

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Тўст

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№86 — 87.

(2506 — 2507).

1992 йил

16 СЕНТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 4 СЎМ

БУГУНГИ
СОНДА:

3-бет
«ТОГДАН
ТОПИЛГАН
ЖАСАД»



4—5-бетлар
«ОФИЦЕРЛАР,
ОҚ ЙЎЛ
СИЗГА!»



ҚАТТИҚҚЎЛ ЭКАНМИ? ЙЎҚ!

Хоразм вилоятида бўлганимда, милициянинг турли лавозим ва унвондаги ходимлари билан учрашдим. Мақсадим — ички ишлар бошқармаси янги бошлиғи фаолиятининг дастлабки босқичи юзасидан уларнинг фикрини билиш эди. Хуллас, ошқора суҳбат қуришга интилардим: янги бошлиқ қаттиққўллик қилиптими, йўқми?

Мен билан мулоқотга киришганларнинг аксарияти унинг ташаббусларини маъқуллашди ва аллақачон шундай қилиниши керак эди, дея очиқ-ойдин эътироф этишди.

Кези келганда бошлиқнинг таржимаи ҳоли ҳақида қисқача маълумот: Тўра Холматов — милиция полковниги, кўп йиллар давомида энг мураккаб ва масъул оператив участкаларда хизмат қилди. Мазкур йилнинг июнь ойига қадар минтақалараро уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган.

Айни пайтда эса Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи.

— Янги лавозимда ишлаётганингизга бир неча ой бўлди.

Тўра Холматович, қисқа давр ичида қандай муаммоларга дуч келдингиз, умуман бу ердаги вазиятга қандай баҳо берасиз?

— Кадрлар масаласи асосий муаммо десам, эриш туюлмас керак. Интизом моҳиятини қандайдир бир томонлама тушуниш юзасига келган, бу шаҳар ва район ички ишлар идоралари раҳбарларига ҳам, оддий ходимларга ҳам тааллуқли. Яъни бошлиқнинг гапи изоҳ ва далил-исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат сифатида қабул қилинарди. Хизмат лавозимларининг барча поғоналарида ташаббус, қандайдир завқ-шавқ этишмасди.

Ишга бундай эндошишдан воз кечишга қарор қилди. Янгиликларни қабул қилишга қодир бўлмаган кишиларни ўзгартирардим. Улар билан очикчасига, юзма-юз, таъйинсиз, эркакчасига гаплашилади. Ходимнинг қайси томони бизни

қониктирмаётганини далиллар билан тушунтирамиз, кучига лойиқ иш топиб берамиз. Ҳозирги кунгача саккизта район милициясининг бошлиғи ўзгартирилди, ички ишлар бошқармасининг раҳбар таркиби ҳам анча янгиланмоқда. Кадрлар ҳокимликлар, республика ИИБ билан келишилган ҳолда бир жойдан иккинчисига ўтказилади. Вилоят ҳокими М. Жуманиев катта, алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, принципиал ердан кўрсатмоқда.

Жамоатчилик билан алоқа бўш бўлиб, тўғридан-тўғри муносабат сезилмасди. Жиноятчиликка қарши кураш масалаларини милиция ўз ҳолича, жамоатчилик ўз ҳолича ҳал қилар, шунинг учун кўпчилик ички ишлар идораларини фаолиятсизликда айблар эди. Ишонч, ўзаро ердан йўқ эдики, бу жуда хавфли. Милиция ходимларининг ҳар бир қадами — хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ нотўғри — ёмон қабул қилинар, ҳамма нарсасига милиция айбдор саналарди.

(Давоми 2-бетда).

6-бет
«ГОНКОНГДАН
ЖЎНАТИЛГАН
ТОБУТ»



7-бет
ЁНГИНДАН САҚЛАШ
ВА
БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

ТРАНСПОРТ МИЛИЦИЯСИДА БИР ҲАФТА

моддалар йўқ қилинди.
Буларнинг ҳаммаси
тегишли жазоларини

НАШАВАНД ҲАМ ЭКАН

Қўнғирот станциясининг милиция навбатчилиқ қисмига "Москва-Самарқанд" поездининг кузатувчиси мурожаат қилди: унинг дипломатини ўғирлаб кетишибди. Дипломатнинг қуруқ ўзи эмас, албатта, ичида буюмлари ҳам бор экан. Қўрилган оператив чоралар натижасида 23 ёшли Е. Талъат қўлга олинди. Унинг ёнидан ўғирланган нарсалардан ташқари 5 грамм наша ҳам топилди.

МЎЛ "ҲОСИЛ" УЧУН

Маълумки, куз йил бўйи қилинган меҳнатнинг натижаси — ҳосилни йиғиштириб олиш даври. Бу ҳаммага тааллуқли, шу жумладан кўкнорикору милиционерларга ҳам.

Шу жиҳатдан ҳозир республика транспорт милицияси ходимлари учун ишнинг айна қизиган пайти. Улар ҳам йўл-йўлакай "ҳосил" йиғиштириб юришибди.

Андижон станциясида 3 килограмм кўкнори билан С. Олег қўлга олинди, Ховосда илгари судланган 21 ёшли Ҳ. Қахрамондан 7 грамм; Бухорода осетиялик И. Маратдан 25 грамм; Термизда эса И. Сайдулло исмли йигитдан 8 грамм наша топилди.

Тошкент аэропорти милиционерлари ҳам кейинги ҳафтада қўл қовуштириб ўтиришмади.

Қарши томонга йўл олган М. Борисдан 50 грамм, Самарга учаётган А. Ҳамдамдан 13 грамм наша мусодара қилинди. Тортиб олинган бу наркотик

олишлари тайин.

ТОЗА ҲАВО ИЛИНЖИДА

Бу фожияни ичкилик ишқибозларига сабоқ бўлсин учун келтирамиз.

"Тошкент-Жалолобод" йўналишида кетаётган 50 ёшли йўловчи С. Бобохон хурмачасидан ҳам ортиқ ичиб олгач, тоза ҳавога чиққиси келди. Оёқда зўрға қалқиб тургани эсда йўқ. Бир амаллаб тамбурга етиб олганида поезд қаттиқ силкиниб кетди ва боши билан эшик кесакисига урилди.

Бош чаноғи синган йўловчи Бешариқ шахридаги касалхонага келтирилди ва шу ерда ҳушига келмай оламдан ўтди.

ШОШИЛМАНГ!

Темир йўлдан ўтаётган пайтда эҳтиёт бўлиш ҳақида гапирадиганларнинг оғзи чарчаса чарчадики, шошқалоқлар чарчамади. Бу эса жуда қимматга тушмоқда.

Яқинда "Қизил тўқимачи" станцияси яқинида темир йўлни эҳтиётсизлик билан кесиб ўтмоқчи бўлган 27 ёшли И. Рустамни поезд уриб кетди. Темир филдираклар унинг ўнг оёғини тиззасидан ва чап оёғини тўғридан кесиб юборди. Рустам транспорт милицияси ходимлари томонидан Тошкент шахридаги 6-касалхонага келтирилди. У ҳозирда ўша ерда даволанмоқда.

А. ҲАКИМОВ.

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

ошмаслигига кўзлари
етгач, жуфтакни ростлаб

ФУҚАРО УЙИДА... ҚУРОЛ!

Оператив маълумотга асосланган Самарқанд шаҳар ИИБ ходимлари Файзулла Хўжаев кўчасидаги 39-уйнинг 5-хонадонида тинтув ўтказдилар. Натижада портлаш ва ўқ отиш учун мўлжалланган, узунлиги 50, диаметри 10 сантиметрли қурол ҳамда эшикларни очишда ишлатиладиган мослама топилди.

Хонадон эгаси бу топилмаларни кимдан ва қачон олганлигини тергов жараёнида айтиб беради.

ТАОМ ТИҚИЛИБ... ОЛАМДАН ЎТДИ

Бўка районидаги Гулистон давлат хўжалигида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлди. Бектемирлик В. К. овқатланаётиб, тиқилиб ўлди.

Мазкур иш бўйича тергов бошланди.

КАМПИРНИ ЗЎРЛАШДИ

Андижон вилоятидаги Ўзбекистон жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи А. А.нинг уйига икки нафар навқирон йигит бостириб киришди. Улар ўта маст эдилар ва шу сабабданми... 1918 йилда туғилган Ш. Б.нинг номусига тегишди.

Палидлар ҳибсга олинган.

ҚУРОЛ БИЛАН БОСҚИНЧИЛИК

Қўшқўпир районида истиқомат қиладиган дўкон мудир И. Ўразметовнинг уйига уч нафар қуролли кимса таҳдид билан кириб борди. Кейин 20 минг сўм топиб беришини талаб қилишди. Аммо мақсадлари амалга

қолишди.

Қуролли "меҳмон"лар зарарсизлантирилди ва ҳибсга олинди.

ШИРИН СУҲБАТДАН ЖАНЖАЛГА

Бухоро шахрининг Тўқимачилик районидаги Ульянов кўчаси, 60-уйда бошланган ширин суҳбат жанжалга айланди. Натижада қонглик ҳайдовчи пичоқ зарбидан тил тортмай ўлди, шу ерда бўлган иккинчи киши эса оғир тан жароҳати олганлиги учун шифохонага ётқизилди.

Жанжал тафсилотлари аниқланмоқда.

ТЎППОНЧА КИМНИКИ?

Сариосиё райони ИИБ ходимларининг тадбиркорлиги туфайли Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи, 1966 йилда туғилган З.нинг уйидан ясама тўппонча топиб олинди. Ажал рамзи бўлган бу қуролни З. қаердан ва нима учун олганлиги ҳозирча номаълум. Тергов кетяпти.


ҲАЙДОВЧИ МАШИНАСИЗ ҚОЛДИ

Фарғона районидаги Ғалаба номли жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтган Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи қувури ёрилиб кетди.

Ильич номли жамоа хўжалиги ҳайдовчиси М. ерга оқиб кетаётган "Газалин"дан олишга ҳаракат қилди. Аммо машинадан чиққан учқун сабаб ёнгин содир бўлди.

Қувурдан отилиб чиқаётган ёқилғи фаввораси жиловланди, аммо М. нинг "ГАЗ-53" белгили машинаси...

Т. МУРОДОВ.



Ички ишлар вазирлигининг эксперт-криминалистика бўлими ходимлари учун ҳам ҳаловатли дамлар деярли йўқ. Экспертлик ниҳоятда нозик соҳа. Содир бўлган жиноятни очишда унинг ердами жуда керак. Жиноятчи қолдирган ҳар қандай из ёки жиноятга алоқадор ҳар қандай буюм улар томонидан чуқур ўрганилади, таҳлил қилинади. Ва шу жавобга асосланиб, жиноятчининг изига тушилади.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) ЭКБ махсус кўрик бўлинмасининг бошлиғи, милиция подполковниги М. Ерохин ва милиция катта лейтенанти Ҳ. Назаровлар текширув натижалари билан танишмоқдалар; катта эксперт милиция майори В. Исҳоқов ҳужжатларни техник кўрикдан ўтказяпти.

Суратлар муаллифи
Б. МИРЗАРАҲИМОВ.

БИЗНИНГ МУСОҲАБА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Жамоат тартибини муҳофаза қилиш аҳволи илгари қандай эди ва ҳозир қандай?

— Тўғриси айтганда иш мутлақо қониқарсиз аҳволда бўлиб, вазиятни зудлик билан тўғрилаш керак эди. ИИБда маслаҳатлашиб, бу борада энг аввало Тошкентда тўпланган тажрибамдан фойдаланишга қарор қилдик. “Тун” тадбирини йўлга қўйдик. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш хизмати янги тайинланган бошлиққа шаҳар ва район идораларидан қобилиятли кишиларни ўзи танлаб олиш имконини яратдик. Урганч шаҳар ички ишлар бўлими қошида 60 кишидан иборат пост-патруль хизмати тезкор гуруҳи туздик. Тушунарли ва муфассал кундалик йўл-йўриқдан сўнг, жиноят-қидирув ва иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимлари ходимлари биргаликда “Тун” режаси бўйича комплекс профилактика тадбирлари ўтказмоқдалар. “Қарши томон” оператив ходимларнинг иш режимида пайқаб қолмасликлари учун уни доим ўзгартириб турамыз.

Бундай маром жиноятчиларни маълум маънода жилаб туради, қолаверса ходимларимиз ҳам сергак бўлиб юрадилар.

Қонунбузишлар камайди, қидирувда бўлган бир қатор шахслар қўлга олинди, бир неча кун қаторасига умуман жиддийроқ жиноятлар қайд этилмади. Лекин бу хотиржамликка берилиш учун асос бўла олмайди, албатта.

Бу ерда ишлай бошлаганимдан бери ўтган вақт ичидаги маълумотлар билан қизиқ кўрдим. Районларда аҳвол қандай? Ҳамма ерда иш чатоқдай. Жиноятчилик бир ерда 20 фоиз, бошқа жойда эса 60 фоиз ортган. Шуниси

ҚАТТИҚҚЎЛ ЭКАНМИ? ЙЎҚ!

қизиқки, бир вақтнинг ўзида жиноятларни очиш ўртача икки-уч фоиз кўтарилган.

Айтайлик, ўтган йилнинг июль-август ойларида Урганчда 18 та жиноят қилинган бўлиб, улардан 12 таси очилган. Ушбу йилнинг шу даврида эса содир бўлган 8 жиноятнинг 6 таси очилган. Гарчи ходимларимиз яхши ишлаган бўлсалар ҳам жиноятларни очиш фоизи кам. Демак, бугунги кундаги ҳисобот тузиш усули мавжуд ҳолатни тўғри акс эттира олмайди. Ана шу ҳақда бош қотириш керакка ўхшайди.

Агар умуман оладиган бўлсак, жиноятларни очиш миқдори кейинги ойлarda 82 фоизга етди, уни янада ошириш, вазиятни барқарорлаштириш тенденцияси мавжуд, лекин ҳамма йўналишларда ҳам эмас.

— Бугунги кунда энг оғир участкалар қайси?

— Гиёҳвандлик ва шундай моддалар билан савдо қилиш аҳволи тинчлик бермапти. Тўғриси айтсам, ёмондан ҳам чатоқ. Ноқонуний экинзорлар, уларни ўстираётган қайта ишлатган кишилар ҳақида ахборот ва оператив маълумотларга эга бўлсакда, сезиларли натижаларга эриша олмаётганлигимиз кишини ҳайрон қолдиради.

Наркобизнесга жуда кўп кишилар аралашган.

Дўстлик шаҳар ички ишлар бўлими тасарруфидида бўлган Ҳазорасп, Хонқа районларидаги вазият ташвиш уйғотмоқда. Оқик айтишим керак, муаммо жиддий, томир отган. Бу балони йўқ қилмай туриб қанчалик уринмайлик, олға юриш мумкин эмас.

— Гиёҳвандликка қарши кураш билан аниқ кимлар

шугулланмоқда?

— Долзарб савол. Ундан келиб чиқиб, қуйидаги муаммога ўтмоқчи эдим. Республика ИИБга вилоят ИИБдаги ҳозирги жиноят-қидирув бўлими негизда бошқарма ташкил қилиш юзасидан таклиф юборилди. Бошқарма таркибида эса гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддаларни сотишга қарши қудратли бўлим иш олиб бориши керак. Бизнинг шароитда бир-икки киши ҳеч нима қила олмайди. Бунинг устига ёнимизда йирик саёҳат маркази — Хива жойлашган.

Ишонинг, саёҳатчиларнинг ҳаммаси ҳам қўҳна меъморчилик ёдгорликларини зиёрат қилиш учунгина келишмайди, бу ерда яқин ва узоқ хорижий мамлакатларга йўл топган барқарор жиний гуруҳлар иш олиб бормоқда. Хивада эса саккиз кишидан иборат жиноят-қидирув бўлинимиз бор, бунга нима деса бўлади?

— Гап бошқарма тузиш ҳақида борар экан, ўз-ўзидан иш жойларини кўпайтириш ҳам кўзда тутилаётган бўлса керак?

— Қўшимча 10-15 киши ажратишга ваъда беришмоқда, лекин улар ҳам вазиятни ўзгартиришлари амримаҳол.

Асосан ички имкониятларимизга таянамиз, улар бор. Кўпчилик йигитлар, тажрибали оператив ходимлар узоқ вақт бир жойда ўтириб, қолишган — истиқбол кўрин-майди. Катта оператив вакил “капитан”, “майор” унвонига эга. Ундан юқорига сакраб бўлмайди. Бошқарма эса нуфузли идора, унвонлар ҳам, қо-лаверса маошлар ҳам юқорироқ бўлади. Районлардан иқтидорли ходимларни олиш имкони тугилади,

уларга жиддийроқ иш таклиф қилиш билан бирга талабни ҳам кучайтириш мумкин. Бошқармани махсус ва криминал техника, транспорт билан таъминлаш ҳам бўлимникидан ўзгача.

Кўпчилик вилоятларда жиноят-қидирув бошқармалари ташкил қилинмоқда. Буни давр тақозо этмоқда ва улар ўзларини оқламоқдалар ҳам.

Хоразм вилоятининг ҳудуди Андижон ва Фарғона вилоятлариникидан бир оз кичкина, аҳолиси 1. 200.000 кишидан иборат, оператив вазият ҳақида юқорида тўхталдим. Жиноят-қидирув бўлимларини айнан ҳозир мустақамлаш яхши натижалар беришига ишончим-комил.

— Тўра Холматович, ИИБ бизнес жойлашган жой қурилиш майдончасига ўхшайди, уни кенгайтирипсизларми?

— Таъмирлашми деган бўлардим. Биз ҳозир ишлатган икки қаватли бино урушдан аввал қурилган. Биринчи қаватида милиция, иккинчисиди ДХҚ жойлашган эди. Миллий хавфсизлик хизмати яқинда янги бинога кўчиб ўтди, биз шу ерда қолдик.

Бино жуда ҳам ачинарли аҳволда эди: бир хонада баъзан беш-олти киши ўтирарди, бундай шароитда самарали ишлаб бўладими? Ҳозирги пайтга қадар ИИБнинг кўплаб хизматлари шаҳарнинг турли ерларида жойлашган, уларни назорат қилиш қийин.

Икки қаватли қўшимча бино қурилиши жадал суръатлар билан бормоқда, йил охирида уни фойдаланишга топширмоқчимиз. Ундан кейин ошхона

курамиз, яъни шахсий таркиб ишлаши учун шарт-шароит яратаямиз, бу жуда зарур иш.

— Хоразм вилояти билан Туркменистон чегараси анча узун, бу қўшимча қийинчиликлар яратаяптими?

— Чегара билан бир қаторда Туркменистоннинг чегарадош районлари аҳолисининг кўпчилигини (75 фоизга яқинини) ўзбеклар ташкил этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Одамлар бу ерда доим тинч, хотиржам, дўстона яшаган. Республикалар мустақилликка эришганликлари туфайли иқтисодий хусусиятга эга бўлган айрим чалкашликлар юзага келмоқда. Масалан, ўзига хос иқтисодий сиёсат олиб бораётган Туркменистонда баъзи молларнинг, чунончи бензиннинг баҳоси Ўзбекистонга қараганда бирмунча паст. Гарчи ички ишлар идоралари вазиятни назорат қилиб турган бўлсаларда, чайқовчилар, олиб-сотарлар бундан фойдаланишга уринмоқдалар.

Аммо республикаларимиз ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари сақланиб қолиши ва ривожланишига ишончим-комил, бунинг учун ҳамма асослар мавжуд.

— Ишонч билан гапираётганингизга қараганда, вилоят ички ишлар бошқармаси фаолиятини яхшилаш учун ҳам асослар бор кўринади?

— Ҳар қолда қўҳна Хоразм заминидаги дастлабки иш ойлари анча қийинчиликлар билан бирга қониқарсиз тўғруларини ҳам уйғотмоқда. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ишончли қўлларда эканлигини билган одамларнинг тинчгина ишлашлари учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўряпмиз.

Суҳбатдош А. ВОРГУДЯЕВ.

Қушлов

ҚўЛЛАРИМ
КЎКСИМДА,
УСТОЗ!

Дунёда шундай инсонлар борки, насл-насаби жиҳатдан ҳеч қандай яқинлиги бўлмасада, бир умр эъзозлагинг, иложи бўлса бошда кўтариб юргинг келади. Бу сатрларни битаётиб, Мамадиёр ака, Сизни ўйладим.

Биламан, ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Бойзоқовни нафақат Зомин районида, балки Жиззах вилоятида ҳам тажрибали ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида яхши билишади. Аммо менинг Сизга бўлган меҳр-муҳаббатим тамоман ўзгача. Ички ишлар соҳасида неники ўрганган бўлсам, ҳаммасини мўътабар номингиз билан боғлайман.

Устоз, шу йил 20 сентябрь куни 48 ёшга тўласиз.

Ана шу шодиёна арафасида Сизга ана бир бор миннатдорчилик билдиришга, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва омад тилашга ўзимни бурчли деб билдим.

Яна бир бор таваллуд топган кунингиз билан, Мамадиёр ака!

Шавкат ЎСАРОВ,

Жиззах вилояти ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш ва жамлаш хизмати катта позирни, милиция катта лейтенанти.

Ҳаммамизга намуна



Ойсара Эргашева ҳали мактабда ўқиб юрган давларидаёқ милиционерликка ҳавас қилиб юрарди. Дарс соатлари тугаши билан амакисининг ишхонасига (амакиси милиционер эди) югурар, озгина бўлса-да, унга ёрдам бергиси келарди. Унинг амакисига нисбатан эътиқоди жуда-жуда бўлакча эди. Бора-бора ҳавас ўрнини орзу эгаллади. Қатъий орзу. Келажакда у албатта милиционер бўлади!

Бир-бирининг этагидан ушлаб йиллар ўтди. Болаликнинг шаффоф орзулари ушалди. Айни кунларда Ойсара Эргашева ички хизмат полковниги!

Эҳ-ҳе, бу орада не-не қийинчилик-

ҚАЛБИ ДАРЁ

ташвишлар бўлиб ўтмади, дейсиз! Тинимсиз меҳнат туфайли ҳаммаси биринкетин чекинди. Мактабни тугатгач, Ойсара муаллимлар олий илмгоҳига ўқишга кирди. Уни муваффақиятли тугатлаб, комсомол йўлланмаси билан милицияга ишга келди. У хизматни тергов ҳибсхонасида таржимонликдан бошлади. Орадан икки йил ўтиб, офицерлар сафига қўшилди ва Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг паспорт бўлимига ишга ўтди. Тўрт йилдан сўнг эса котибият бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилди. Шу вазифада, мана, йигирма йил бўлибдики, муттасил хизмат қилиб келмоқда.

Ойсара опа учун бировнинг оғирини енгил, мушкулени осон қилишдан бўлак кўнгил тўларли нарса йўқ. Опа хизмат бурчини жуда яхши тушунадилар. Қанчалик қийин бўлмасин, қабулга келганларнинг барчасига бирдек ёрдам қўлини чўзгиси келади. Бир кунда 40-50 кишини қабул қилган вақтлари ҳам бўлган. Келувчиларнинг кайфияти турлича. Кимнингдир уйини ўғри урган, кимнингдир яқин кишии автофалокат туфайли жабр кўрган ва уларнинг айтишича, айбдор енгил жазоланган ёки умуман жазоланмаган ва ҳоказо. Алам билан йиғлаётган аёлнинг кўнглини кўтариш, жаҳл аралаш заҳрини сочаётган эркакни тинчлантириш, уларнинг кўнглини таскинлантирувчи жавобларни бериш осон эмас!

Опа уларни сабр билан эшитида, дардига қулоқ тутади ва зарур чоратадбирларни кўради. Зеро, хизмат тақозоси ҳам шу. Юзлаб ариза ва шикоятлар у кишининг шахсан назорати остида. Қай бирининг қачон ҳал бўлиши

муддатларигача эсда тутади. Агар шу орада бирор бир ўзгариш бўлиб қолса, аризага телефон оркали ёки ёзма равишда албатта хабар беради.

О. Эргашеванинг бевосита раҳбарлиги остида ўтган вақт мобайнида котибиятда бир қанча ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, шу йили бўлимда чопарлик хизмати йўлга қўйилди. Шу хизмат ходими ёрдамида вилоят ҳудуди бўйича ҳал қилиниши керак бўлган барча ишлар ортиқча харажатсиз амалга ошириладиган бўлди. Бунинг натижасида ҳар ой ўртача миқдорда 10 минг сўм (машина хизматига кетадиган харажат бундан мустасно) тежаб қолинапти. Иқтисод қилиб қолган маблағ эвазига икки донна компьютер сотиб олинди ва яна котибият ихтиёрида барча турдаги типографик бланкаларни кўпайтириб берувчи “Конон-3142” аппарати ҳам мавжуд. Аппарат ёрдамида вилоятдаги барча ички ишлар идоралари талабини қондирадиган даражада бланкалар етказиб берилади.

Хуллас, Ойсара опа Эргашева ҳақида ана кўп гапириш мумкин. Опада табиий маъсумалик, ҳеч сўнмайдиған табассум ва босиқлигу жиддийлик ҳайратланарли даражада уйғунлашиб кетган. Шу сабабдан бўлса керак, кўпчилик у кишини қаттиқ ҳурмат қилади.

Юзингизда балқиб турган шодлик, хушқол-дилкашлигингиз, лабингиздаги табассумингиз сизни кексалик остонасидан ҳатлашингизга йўл қўямасин, полковник опа!

Эркин САТТОРОВ.

Суратда: О. ЭРГАШЕВА.

М. КОМИЛОВ олган сурат.

Бир жиноят таҳлили

Шу йилнинг 26 март куни Деҳқонобод тоғларида — сойликдаги тошлар орасидан номаълум эркак кишининг мурдаси топилиди.

Уни дастлаб участка вакили кўриб қолган. Район прокурори Сафар Каттабоев милиция ходимларига қўшилиб, дарҳол воқеа жойига етиб борди. Қотиллик юз берганини илғаб олиш қийин эмасди; чирий бошлаган мурданинг қорни ва бошидаги жароҳатлар бошқа кимса томонидан етказилгани яққол сезиларди.

Одатдагидек воқеа жойини кўздан кечириш бошланди. Аммо бирор из топиш амри маҳол эди: атроф тоғ-тошлардан иборат, жасад қишнинг сўнгги қорлари тагида ётарди. Ёғаётган лайлакқор эса ишни янада чигаллаштирарди.

Мутахассислар суд-тиббий экспертизадан кейин хулосаларини баён қилишди: жабрланувчининг ёши 20-30 лар орасида, мусулмон фарзанди эканлиги аниқ, икки-уч ҳафта муқаддам ўқотар қуролдан отиб ўлдирилган. Бу гапнинг исботи сифатида танасидан 58 донга сочма ўқ териб олинди.

Хўш, у ким бўлди? Аксига олиб турма белгилари — чандик, шунингдек қўл-оёқларида татуировка усулидаги ёзувлар йўқ. Юзини қандайдир ҳайвонлар еб кетган бўлса керакки, суяклари кўриниб, скелет ҳолига келиб қолганди. Таниб олиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Прокуратура терговчиси яқинда иш бошлаган, тажрибаси кам. Шу боис Сафар аканинг ўзи жиноят иши кўзга, тергов гуруҳига раҳбарликни ҳам зиммасига олди.

Қорлар эригунга қадар воқеа жойи яна қайтадан кўздан кечирилди: сочма ўқлар, патроннинг озига тикилган “Ўзбекистон автомобилчиси” газетаси парчасини ҳисобга олмасада ҳеч вақо йўқ эди. Сўнгги топилмалар эса воқеага аниқлик киритиш борасида ҳеч нарсага аризулик эмас.

Кенгашли тўй тарқамас, деганлар. Маслаҳатдан кейин мурда ётган жойдан 122 метр пастликдан ўтган йўлга тушишди. Бу йўлнинг бир томони Тошкентга, қарама-қарши томони эса Термиз, Душанбе шаҳарларига олиб боради. Шу ердан ўтаётган машиналарни тўхташиб, ҳайдовчиларга мурожаат қилишди. Аммо улар

ҳам “Билмадик” деб елка қисшарди холос.

— Илтимос, борган жойларингизда ҳам номаълум жасад ҳақида айтишлар, эҳтимол кимдир бағри хун бўлиб уни қидириб юргандир, — дейишарди изқуварлар тарвузлари қўлтиқларидан тушиб.

Бунга ҳам қаноат қилишмади. Район радиоэшиттириш тармоғи орқали мурожаат қилиб, халқдан ёрдан сўралди. Барча район ИИБларига бедарак йўқолганлар тўғрисида маълумот сўраб хат

одамлар гавжум жойларда хабар бериш илтимос қилинди.

Бир ҳафта ўтгач эса Денов районидаги Шароф Рашидов (авваги “Октябрь 50 йиллиги”) номли жамоа хўжалигидан Раҳматилла Ўролов деган йигит келди.

— Бир ярим ойча бўлди, — деди у титраб-қақшаб. — Укам ишга ёки ўқишга кираман, деб чиқиб кетувди. Одамлардан эшитиб қолдим, қора кўйлак, куртка кийган йигитнинг мурдасини топибсизлар...

бўлганлигини аниқлашди: қариндошлари айтган манзилгоҳда бутунлай бошқа одам яшаркан. Аммо исм ва насаби маълум бўлгани учун муаммони ечиш унча қийин кечмади. Адреслар бюроси ёрдами асқотди.

Кечқурун бокс мактабидан қайтиб келган Р. чақирув қоғозини кўриб, талмовсиради.

— Нима гап ўзи, прокурорнинг нима иши бор экан менда?

— Қайдан билайлик, олиб кел,

— Тўғри, кейин у Деновга, мен эса Тошкентга жўнаганман.

Бир неча соат давом этган сўроқдан кейин у айрим фактларни такрорлашда адаша бошлади. Сафар ака эса унинг ваз-қарсонлари аллақачон терговда аниқланган ҳолатларга тўғри келмаслигини мантиқан исботлайверди. Шундагина у рўпарасида тажрибали ҳуқуқшунос ўтирганини пайқайди: қаршилик қилиш бефойда, барибир сувдан қуруқ чиқолмайди.

— Сиз ютиб чиқдингиз, уни мен ўлдирганман, — деди бошини куйи эгиб. — Ўғирликка бориш-бормаслик тўғрисида жанжаллашиб қолдик. Кейин...

— Ўша милтиқ қаерда? У бир оз ўйланиб қолди ва кейин ишонсизгина мингирлади.

— Нотаниш лўлибашара одамга сотиб юборганман.

— Яна аравани олиб қочмоқчимсан? — сўради прокурор унга қаттиқ тикилиб. — Нима қиласан гапни айлантириб?

Яна тортишувлар давом этди. Қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам. Ниҳоят бир битимга келишди.

— Майли, милтиқни топиб бераман, — деди Р. ўзини рамон кўрсатишга интилиб. — Аммо қаердалигини аниқ билмайман. Эҳтимол борганимизда ёдимга тушар.

Гумондор билан бирга яна Денов районида йўл олишди. Анча-мунча овозгарчиликлардан сўнг Р. Гагарин номли жамоа хўжалигидаги яширилган жойидан қирқма милтиқни 14 та ўқи билан топиб берди.


Шундай қилиб, маълум жиноятни фош қилиш учун атиги икки ҳафта вақт кетди, холос. Ҳолбуки қўпчилик воқеадан хабар топганда: “Ҳай билмадим-да, бу жиноятнинг очилишини. Вилоятда фош этилмайдиган жиноят яна биттага кўпайдиёв, — деб башорат қилганди. Аммо бу гал ҳам адлия маслаҳатчиси Сафар Каттабоевнинг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи бўлиб ишлаган даврида орттирган тажрибаси панд бермади. Ўйлаб кўринг, марҳум сурхондарёлик, қотил тошкентлик, воқеа эса Қашқадарёда содир бўлган. Бу ердаги ишбилармонлигу маҳоратига тан бермай иложингиз йўқ.

Ҳусан ЭШМУРОВО.

ТОҒДАН
ТОПИЛГАН
ЖАСАД

Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз — бу фожеа ўтган қишнинг охирида рўй берганди. Совуқ хабарни эшитган кишини совуқ тер босар, бирмунча вақимга тушиб қолганлар ҳам йўқ эмасди. Воқеа тафсилотини бефарқ тинглаш мумкин эмасди, чунки дастлаб ўта мавҳум ва сирли бўлиб кўринган эди-да.

Илк марта эшитганимда ўзимнинг ҳам баданимдан чумоли ўрмалагандек бўлган, тўғриси қотилнинг топилишига зарра ишонмаганман. Адашганимни эса кейинроқ англадим.



юборилди. Аммо бу ҳаракатлардан ҳам бирор натижа кутиш даргумон. Аввало хат қачон кўзланган манзилга етиб борадию қачон у ёқдан жавоб келади. Мабоодо унинг ота-онаси фарзандининг бедарак кетгани ҳақида милицияга хабар қилмаган, “Келиб қолар”, — деб кутиб ўтирган бўлса-чи?

Прокурор кутиш ярамайди, деган фикрга келди. Нимадир қилиш керак. Шу мақсадда товаршунос-мутахассислар чақиртирилиб, мурданинг уст-боши қайтадан кўздан кечирилди. Аммо мутахассислар булар кооператив усулда тайёрланган, дейишдан нарига ўтишмади.

Ногоҳ мурданинг ёнидан топилган елим халтачадаги нос прокурорнинг эътиборини тортиди. Таклиф этилган нософрушлар бундай нос кўшни Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Денов районларида тайёрланишини айтишди.

Кийимлар ДАН постига олиб чиқилиб, ўтаётган машина ва автобусдаги йўловчиларга кўрсатилаверди. Деновлик ва Шерободлик фуқаролардан эса бу ҳақда етиб борганларидан кейин

— Укангиз неча ёшда эди?

— 21 да.

Унга бояги кийимлар кўрсатилди. Раҳматилла шундай ўкириб юбордики, фарёидан тоғ-тошлар ларзага келди.

— Эҳ, хом калла, шу пайтгача нега милицияга хабар қилмадим! Эҳтимол!...

Эртасигаёқ прокурор бошчилигидаги оператив гуруҳ Деновга жўнаб кетди. Икки кун тиним нима — билишмади. Учунчи куни эса марҳумнинг дўсти Р. деган йигит уларнинг эътиборини тортиди.

Р. армиядан таътилга келгану қайтиб кетмаган. Ўзи ота-онаси билан яшаса-да, 3. турадиган қишлоқдаги қариндошлариникига тез-тез келиб юрган. Икковлон қаратэ билан биргаликда шуғулланишган. Улар ҳатто бир марта 3. нинг Деҳқонободдаги қариндошлариникига бориб, пул сўрашган экан.

Милиционерлар астойдил қизиқиб қолганлигини кўрган қариндошлари Р. нинг манзилгоҳини истамайгина айтишди. Аммо Тошкентга зудлик билан етиб келган милиционерлар улар ҳам ишни чапғитмоқчи

дейишди — келдик. Қани, тезроқ, бўлинг!

Тун бўйи йўл юришга тўғри келди. Қаттиқ толиққан милиция ходимлари қовоқлари ёғирлашиб бораётганини сезишар, аммо навбат билан ухлашмаса бўлмаслигини ҳис қилишарди. Р. га эҳтиёт бўлинмаса, бирор нағма чиқариши ҳеч гапмас. Гумондор эса киприк ҳам қоқмасди. Бемалол сақич чайнар, аҳён-аҳёнда ўсмоқчилаб, гапни айлантирарди.

— 3. қаерда? — сўради прокурор эрталаб қаршида ўтирган Р.га синчковлик билан бошдан-оёқ назар ташлаб.

У эса ўзини янада бамайлихотир тутишга ҳаракат қиларди.

— Ким билади дейсиз, кўрмаганимга бир ойдан ошди.

— Тўғриси айтсангиз, сизга ҳам, бизга ҳам яхши бўлади. Гапни айлантиришдан наф йўқ, йигитча!

— Охирги марта у яшайдиган қишлоққа борганимда, онаси ҳам ўғлимни кўрмадингми, деб сўраган. Йўқ деганман.

— У билан бирга Деҳқонободга борган экансизлар?

БУ ЁҒИ ТУШ ЭМАС

Валерий Михайлович уйғонганида ҳали тонг отмаган, ҳамма қўшнилари, нафақат қўшнилари, бутун шаҳар тинч уйқуда эди. У алаҳсираганини кейин тушунди. Кўзини каттароқ очиб қараса, ҳаммаси тушида бўлаётган экан, ахир пулга чўмилаётган эди-да. Валерий роса афсусланди, кейин газаби ҳам кўзиди: нега ҳаётда шунақаси бўлмас экан... Балки бир ҳаракат қилиб тўрилса...

У Тошкент шаҳри томон йўл олди. Бу ерда “Иноят” фирмасининг иш-билармонлари билан келишиб, катта миқдорда мол сотиб олди ва аллақайси йўллар билан топиб келгани — бир ҳарбий юк машинасига уларни жойлаб, Туркменистоннинг Мари шаҳрига жўнади. Йўлда тутиб олишмасликлари учун юкни шундай ўхшатиб яширдикки, юзакироқ қараганда уни англаш мушкул эди — молнинг устига эски-туски тўшаклар тахланиб ташланганди. Бу ҳақда қалбаки хужжат ҳам бор эди унинг қўлида: гўёки ҳисобдан

ўчирилган эски тўшаклар Нукусдаги ташкилотлардан бирга олиб борилаётганди.

Юк машинаси Божхона кўмитасининг Хоразм вилоятидаги 151-постида тўхтатилиб текширилди. Кейин қўйиб юборишди. Чунки хужжатларда шубҳали нарса йўқ, қолаверса ҳарбий машина.

Валерий Михайлович ва ҳайдовчи бамайлихотир йўлларини давом эттиришди. Асосий хавф ортда қолган эди-да. Ҳайдовчи илгари ҳам Ҳазорасп райони ҳудудидан бир марта Марига ўтиб кетган экан. Улар ана шу йўлни излаб боришаётганди.

151-постнинг катта инспектори милиция лейтенанти Султонбой Бобожонов, кичик инспектори Қадамбой Ваисовлар Туркменистон билан чегарадаги ички йўлларни кўздан кечириб келиш учун жўнашди.

Кечки соат 19 ларда қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлишди. Қарашса боя ўзлари текшириб, ўтказиб юборган “МАЗ” ҳали ҳам шу ерда

ўралашиб юрибди. Йигитларнинг кўнглида шубҳа уйғонди. Қайтадан текширишга қарор қилишди... 4-5 та тўшак олиб ташлангач, ҳамма сир очилди-қўйди: зич қилиб тахланган қутилар кўриниб қолди. Қутиларда Италияда ишлаб чиқарилган эркаклар шими бор экан. Оз эмас, кўп эмас, давлат баҳосида 5980800 сўмлик!

Мари шаҳридаги “ЭКО” фирмаси таъминотчиси В. М. Бобоянц талвасога тушиб қолди. Олдинига Божхона хизмати ходимларига бир қути шим ваъда қилди. Кейин ўн қути... шунгача бориб етдики, яп-янги “Жигули” бермоқчи бўлди. Ҳатто эски усул — бу юкнинг ортида “катталар” борлигини айтиб пўписа ҳам қилиб кўрди. Бу ҳам самарасиз кетди.

Мол-мулк давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Валерий Михайловични жуда уйғонгиси келаётган эдию, лекин бу туш эмасди-да.

С. БОБОЕВ,
жамоатчи мухбир.

СУРАТЛИ ХАБАР



Бу суратда Шовот райони ички ишлар бўлими хузуридаги қўриқлаш бўлимидаги ходими, милиция старшиниси Ражаббой Куръонини кўриб турибсиз. У ақинда вилоят ИИБ қўриқлаш бўлими томонидан 300 сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди. Нега, дейсизми? Нега бўларди, у халқ мулкни кўз қорачигидек асрашга одатланган, касбига садоқатли. Кўп бўлгани йўқ, район матлубот жамияти идорасига ўт кетди. Озгина беқарорлик қилинса, минг-минг сўмлик мол-мулклар куйиб кул бўлиши мумкин. Ана шу вазиятда Ражаббойнинг фидойилиги ана бир қарра синодан ўтди.

Сурат муаллифи Саъдулла БОБО.

САФЛАРИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА




ВАТАННИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДЛАРИ



— "Байроқ остига сафларинг!" — Тошкентдаги олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғи, полковник Азамат Султоновнинг овози машқ майдони бўйлаб янгради. Шундай қилиб, биринчи босқич тингловчиларининг қасамед қабул қилишларига бағишланган тантана бошланди. Подполковник Анатолий Мамараҳимовнинг байроқдор гуруҳи мураббийлар ва меҳмонлар тўпланган минбар ёнидан гурас-гурас кадам ташлаб ўтдилар.

Билим юрти бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, полковник Анатолий Яковлев митингни очди. Кейин сўз навбати билим юрти бошлиғига берилди.



— Бугунги кун даргоҳимиз учун ўзгача, — деди А. Султонов. — Ёш курсантларнинг қасамеди Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллик байрами билан бир пайтга тўғри келди. Жамоамизга халқимизга ва Ўзбекистон Президентига содиқликка сўз берувчи янги ҳарбий хизматчилар отряди қўшилмоқда. Бугун ҳар бир жангчи ўз гарданига халққа ҳамда Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш масъулиятини олади.

Нихоят ёш курсантларни қасамед қилдириш маросими бошланади. Тантанали сукунатни юракларнинг туб-тубидан отилиб чиқаётган дадил сўзлар, Ватанга ва халққа, мустақил давлат Президентига бўлган садоқатни ифодаловчи ваъдалар жаранги бузади.

Мазкур билим даргоҳида иқтисодчилар, молиячилар, алоқачилар, взвод командирилари каби юқори малакали кадрлар тарбияланади. Маълум вақт ўтгач, мана шу йигитлар ҳам ИИБ ҳамда мудофаа ишлари вазирлиги ички қўшинлари сафларини тўлдирдилар.

Бугун эса улар мураккаб мутахассисликни ўзлаштириш йўлида дастлабки қадамни қўйишга чоғланмоқдалар.

Йигитлар мазкур билим юрти асосчиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари

вазирининг маслаҳатчиси, генерал-лейтенант Бурҳон Сирожиiddинов сўзларини хаяжон билан тингладилар. У киши ёш жангчиларни ҳарбий қасамед қабул қилганликлари билан қутлади, кейин ўқишдаги муқаррар қийинчиликлар ҳақида гапириб, келгусида уларнинг энг яхши мутахассислар бўлиб чиқишларига ишонч билдирди.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш қўмитаси масъул қотиби генерал-майор Борис Белоусов, офицерлар анжумани кенгашининг раиси, гуманитар ва ижтимоий -сиёсий фанлар кафедраси муdiri, тарих фанлари номзоди полковник Владимир Болгов, II курс курсанти Алексей Калачиковлар ҳам ёш курсантларни бугунги эсда қоладиган воқеа билан муборакбод этдилар.

Бахтиер Умаров эса сафдошлари номидан билдирилган табриклар учун миннатдорчилик изҳор қилди, айни пайтда юксак ишончни оқлашга ваъда берди.

Маросим сўнггида бадий хаваскорлик жамоасининг концерт дастури намойиш этилди.

Ҳабиб ШУКУР.

Суратда: маросим пайтида.
Муаллиф олган суратлар.



ЕДНОМА

У ўз замонасининг фидойи инсонларидан, гарданидаги бурч масъулиятини чин дилдан ҳис қиладиган милиционерлардан бири эди. Ўзига қарамаган, фақат элни ўйлаган жонфидолардан бири эди у!

Абдурашид Турсоатов Денов районининг Вахшиёр қишлоғида туғилди, ўсди, вояга етди. Ҳарбий хизмат бурчини адо этиб қайтгач, Денов райони ички ишлар бўлимига ишга кирди. Унинг ишга жойлашишида кўмакчи бўлганлардан бири участка вакили, милиция капитани Ғиёс Давлатов эди. Абдурашид ишдан ажралмаган ҳолда Тошкентдаги милиция мактабини тугатди.

Сурхондарё вилоятида биринчилардан бўлиб гагановчилар ҳаракатида қўшилди (ўша даврда Гаганов деган киши қоқоқ жойда ишлаш ташаббуси билан чиққан эди) ва бир қоқоқ участкага ихтиёрий

равишда инспектор бўлиб ўтди. Тез орада жамоатчилик билан фаол иш олиб борганлиги туфайли унинг участкасида жиноятчилик кескин камайди. Денов райони ИИБ раҳбарияти уни бошқа бир қоқоқ участкага ўтказди. Безорилик ниҳоятда авж олган бу ҳудудда ҳам А. Турсоатов жон қойитиб ишлади ва қисқа муддатда барқарорликни юзага келтирди. Унинг хизматлари раҳбарият томонидан муносиб тақдирланди. Ўша йили "Милиция аълочиси" деган нишон олди.

Орадан кўп вақт ўтмай А. Турсоатов жиноят-қидирув бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилди. Хизматни биринчи бўлиб очилмай қолган ишлардан бошлади ва бир нечтасини охирига етказди.

Хизмат фаолияти давомида бир неча оғир жиноятларни тезкорлик билан очишга эришди. Бир кечаси тўйда икки ака-ука Хўжакелди исмли йигитни ўлдириб

кеттилади. Воқеа жойига прокуратура терговчиси билан етиб келган А. Турсоатов жиноят тафсилотларини батафсил ўргангач, қотилларнинг изига тушади ва бир кечадаёқ уларнинг бирини қўлга олади. Иккинчисини ушлаш ҳам қийин кечмади. Қотиллар 25 йилга озодликдан маҳрум этилди (илгари 25 йиллик жазо муддати бор эди).

Бозор ичида участка вакилини тунда хизмат қилиб юрган пайтида пичоқлаб кетишган. Қўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Қотил бир киши экан ва у олий жазога ҳукм қилинди. Афсуски, бундай оғир жиноятлар ўша даврларда ҳам кўплаб юз бериб турарди.

Абдурашид Турсоатовнинг хизматлари ўз вақтида муносиб тақдирланди. Ҳурматини ўрнига қўйишди. Ажойиб инсон эди у.

Аммо яратган эгам ўзи суйган

ОЛТМИШИНЧИ ПИЛЛАПОЯ БЎШ...

бандасини вақтидан аввал даргоҳига чақириб оларкан. Денов райони ички ишлар бўлими бошлиғи, меҳрибон устоз ва тарбиячи Абдурашид Турсоатов ҳаёт бўлганларида ҳозир олтмиш ёшга тўлардилар. Аммо Абдурашид ака умрларининг олтмишинчи пиллапоясида ўз изларини қолдира олмадилар. Олтмишинчи пиллапоя бўш қолди. Аллоҳдан илтижоимиз: ота етмаган ёшга унинг фарзандлари — Иззатулло ва Сайфулло етсин. Отага насиб етмаган олтмиш, етмиш... юз ёш унинг дилбандларига буюрган бўлсин!

Тилов НУРҚОБИЛОВ,
истеъфодаги милиция майори.

Муаллиф изоҳи: милиция катта лейтенанти Иззатулло ва милиция сержанти Сайфулло Турсоатовлар айни кунларда оталари изидан бориб, Денов шаҳар ички ишлар бўлимида хизмат қилишмоқда.

Фарзандки ота изидан борибдими, демак, ота улмаган!..

САФЛАРИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА



ОФИЦЕРЛАР, ОҚ ЙЎЛ СИЗГА!

Тошкентдаги ўрта-махсус милиция мактаби узоқ йиллардан бери республикаимиз ички ишлар идораларини малакали кадрлар билан таъминлаш борасида диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Айниқса Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан сўнг бу ерда катта ўзгаришлар рўй берди, десак муболаға бўлмайди. Ўқитувчилар жамоаси курсантларга янада пишиқ-пухта билим бериш учун мунтазам изланмоқдалар, дарс жараёнида назарий ва амалиётга қўшиб ўргатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Яқинда мактаб ҳовлиси байрамона безатилди. Ички ишлар фахрийлари ҳамда курсантларнинг ота-оналари, ёр-дўстлари таклиф этилди. Ана шундай тантанали вазиятда мактаб битирувчилари мустақил ҳаётга ва мустақил хизматга кузатилдилар.

Тантанали маросимни мактаб бошлиғи, милиция полковниги Ўткир Пўлатов очди ва табрик учун

дастлабки сўзни ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Гафур Раҳимовга берди.

Вазир ўринбосари мактаб тарихи ҳақида қисқача тўхталиб, бу масканда сабоқ олганларнинг аксарият қисми юртимизда осойишталикни таъминлаш борасида ўрнатилган қўрсатилганлигини эътироф этди. Айни пайтда эндигина милиция лейтенанти унвонини олган 240 нафар битирувчиларни ана шу анъанага содиқ қолишга, қаерда бўлмасин фуқаролар қалбига йўл топиб ишлашга ва шу тариқа милиция обрўини кўтаришга даъват этди.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Кенгазининг аъзоси Вилор Ниёзматов ҳам ёш офицерларни қизгин муборакбод қилиб, уларнинг ҳар бирига мустақам соғлиқ, беҳаловат хизматларида омад тилади.

Маросим сўнггида кийимлари жуссаларига ярашиб

турган битирувчилар сўнгги марта саф тартиб ўтдилар. Ана, улар орасида мактабни аъло баҳолар билан битирганлиги учун қизил дипломга мушарраф бўлган Фурқат Маҳмудов, Фахриддин Мирқосимов, Ақром Ҳожиёв, Павел Патукин, Фахриддин Мусаевлар боришмоқда. Уларнинг юзларига синчковлик билан боққан киши ҳам қувонч, ҳам маъюслик аломатларини сезиб олиши қийин эмас. Бу қувончни тушуниш мумкин: ота-оналар ҳамда меҳрибон ўқитувчилар ишончини оқлаб, фахрли хизматга йўлланма олишди ахир. Худди шунингдек,

маъюслик сабаби ҳам маълум: ўз уйидек қадрдон мактабни ва ёқимли табассум билан кузатиб қолаётган мураббийларни тарқ этиш оғир...

Начора, буни ҳаёт дейдилар. Энди мана шу алпқомат йигитлар учун битта, фақат битта йўл қолди. У ҳам бўлса, сидқидилдан хизмат қилиш. Яна шуниси аниқки, улар қайси соҳада ишлашмасин, участка вакили бўлибми, жиноят-қидирувдами, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясидами, барибир хизмат осон кечмайди. Турли қийинчиликлар юз бериши муқаррар. Аммо ана шундай пайтларда мактабда олган сабоқлари асқотиши табиий.

Оқ йўл сизларга, ёш офицерлар!

Раҳмонали Қосимов.

СУРАТДА: хайрлашув маросимидан лавҳалар.

Сураткаш Ҳабибулла ШОДИЕВ.



«ТУН» ТАДБИРИ

Бирлашайлик ахир!

— «Тун» тадбирларини мунтазам ўтказишга келишиб олдик. Бугун ҳам тўққизта экипаж хизматга чиқади. Хоҳласангиз сизни ҳам таклиф этишим мумкин, — деди Тошкентдаги Мирзо Улуғбек райони ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Леонид Криничкий.

Рози бўлдим ва унга эргашиб, пастга тушдим. У ерда пост-патрул хизмати ходимлари Ҳоҳид Камбилов ҳамда Абдухалил Сафаровлар яқинида «отиб» олган бир шахсни олиб келишганини кўрдим. «Меҳмон» бир неча марта судланган, ҳозир эса назоратга олинган Рафаэл Тагиров экан. У А. Сафаровга нисбатан куч ишлатиб, қўлга олиниб йиртиб ташлашга улгурибди.

Шу пайт бошқарма оператив навбатчиси хабар қилди: «Ўзбекистон» меҳмонхонасида... 71-экипаж учун ажратилган машинага ўтирдикда, йўлга тушдик. Йўл-йўлакай Леонид Францевич кундалик хизмат ташвишлари ҳақида сўзлаб берди. Айтишича, 75-экипажга уюшганлар — милиция катта сержанти К. Шеглов, оддий милиционер Х. Раҳимбердиев ва милиция катта лейтенанти Т. Айтбоевлар туллари жамоат тартибини сақлашда ҳамкасбларига ибрат бўлишмоқда. Яқинда

улар 1-Қорасув даҳасидаги 2-уйнинг олдида 1973 йилда тутилган Руслан Мухамедов ва Олег Рижковларни тутиб келтиришди. Бу йигитчалар Ш. Ҳақимовнинг гаражда турган машинасидан иккита гилдирак ўғирлашган.

Кейинги кунни эса ер ости йўлининг М. Горький бекатидан Нодир Улибоев ҳамда Алишер Мирзаевларни ушлашди. Икки босқинчи куч ишлатиб, Абдулина деган аёлнинг 900 сўм пулини тортиб олмоқчи бўлган. Яна ўша кунлик милиционерлар трактор заводи қоровуллари «қармоқ»қа илин-тиришди. Қоровул «ТТ» белгили тўппонча билан қуролланган ҳолда дизел енгилсини ўмаришга киришган экан.

«Ўзбекистон» меҳмонхонасида бизни милиция сержантлари Гофир Рўзикулов ва Комил Жумабоевлар қарши олишди. — Уртқо полковник, бир киши кайфнинг зўридан тўполон кўтараётган эди. Қорасувдаги милиция бўлимига жўнатиб юбордик. Ундан бошқа ҳеч қандай тартибсизлик рўй бергани йўқ, — деб ахборот беришди.

Ҳамроҳим уларга омад тилади ва яна машинага ўтирдик. Йўл-йўлакай Ульяновск кўчасидаги 2-бўлимга кириб ўтишга қарор қилдик.

— Ҳар ҳолда бекор ўтирганимиз йўқ, мана ўзингиз кўринг, — деди милиция капитани Хусниддин Хусанов ва навбатчилик дафтарида ушати.

Кўз югуртирдим. Шу пайтгача 12 та тартиббузарлик қайд этилибди.

Дарвоқе, биз ҳам бу ерга қуруқ келмагандик. Маст ҳолатда ўзгаларнинг жигига теккан ва шу боис ўзлари исташмасида, «ҳамроҳимиз»га айланган Р. Маматқузин, Н. Новиков, Р. Исмаиловлар номи ҳам бояги дафтарга битилди.

Бир вақт яна рация тилга кирди: «315! Мен «Бос»ман. 4-Қорасув даҳасига, 260-хонадонга зудлик билан етиб бориң!»

Бизга бу сафар милиция кичик сержанти Шўҳрат Шаропов қўшилди. Ҳаял ўтмай манзилга ҳам етиб келдик. Аммо безори қочиб қолди. Тарвузим қўлтигимдан тушиб кетди. Шўкурки, бу ҳол узоқ давом этмади. Бузоқнинг югургани сомонхонага, деганларидек, Шўҳрат уни тутиб келтирди.

Маълум бўлишича, Нуриддин Усмонов асли газалкентлик бўлиб, Тошкентдаги «Янгилик» фирмасида директор ўринбосари бўлиб ишларкан. Эҳтимол қўл остидагилар уни тартиб-қондани ёқтирадиган раҳбар сифатида хурмат қилишар. Аммо бу сафар у ўзини бутунлай бошқача тутган: гирт маст бўлишга қарамай, тун ярмида таниши Н. Ш. уйига кирмоқчи бўлган. Хонадон соҳибаси бунга йўл

қўймаган. Аммо у зарб билан эшикни тепаверган. Оқибатда...

— Ҳар кун шундай хизмат қиляпмиз, — дейди милиция полковниги кулимсираб. — Колаверса, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишда фуқаролар жонқуярлиги ҳам гоят қўл келяпти.

У фикрини исботлаш учун бир қанча мисоллар келтирди: қиндан ҳам 2519-автоколонна раҳбарияти (директори Н. Назаровдан миннатдор бўлмаслигини иложи йўқ. Бу қорхона милицияни ҳар кун транспорт билан таъминлапти, қолаверса, ҳайдовчилар осойишталик посбонлари билан бирга мунтазам рейдга чиқишяпти.

Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги заводида эса 8 кишидан иборат махсус гуруҳ ташкил этилди. Расим Байрамов раҳбар этиб тайинланган ва қорхона томонидан моддий таъминланган бу гуруҳ зиммасига заводда ва завод атрофида осойишталик ўрнатиш, қўли эгри кимсалар танобини тортиб туриш вазифаси юклатилган.

— Ана шунақа гаплар, — деди суҳбатдошим хайрлашиш учун қўл узатаркан. — Ўзбекларда кўндан кўен қочиб қутилмас, деган гап бор. Агар халқ билан бирлашмас, жиноятчиликни таг-томири билан қуритиш мумкин. Газетангизда ана шуларни ёзинг.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.

ИЖОД

(Давоми. Боши газетанинг 64 — 85-сонларида chop этилган).

Орадан бирмунча вақт ўтиб, тушакда думалаб ётиш жонимга теккач, бирор жойда тамадди қилиб олмақчи бўлдим. Эшикни очганимда хонаси остонасида турган Лейлага кўзим тушди. У либосини ўзгартириб олган эди. Тўқ қизил, зар тикилган кўйлаги байрамона тусда. Сочларига гул тақиб олган.

— У хонангда кўп бўлгани йўқ. Мен турганда уни нима қилардинг олиб келиб?

— Бу соф амалий учрашув эди. У билан шунчаки гаплашиб олмақчи эдим.

— Нима ҳақда? — гумонсираб сўради у.

— Хар тўғрида, — бу шумтака ҳақиқатан ҳам чакки эмасди. — Кечки овқатни мен билан бирга емасанми?

У очилиб кетди.

— Ажойиб фикр, — шундай дедю, сумкасини олиш учун чакқон хонасига кириб чиқди. — Сени жуда яхши ресторанга олиб бораман. Қорним ўлардай оч. Мазали таомлардан роса туширамиз. Бу сенга қимматга тушмайди.

Йўлни кесиб ўтдик-да, такси тўхтайдиган жойга келдик.

— Кечувгача такси ол. Ресторан нариги томонда.

Таксида кечувгача бориб, солга ўтирдик. Лейла кеча кечкурун кўрган киносининг мазмунини гапириб берарди. Хар куни кинога бориши, ҳамма хитойликлар шундай қилишларини айтди.

Қирғоққа чиққанымиздан кейин иштахани очиш учун Натан-Роудгача сайр қилишни таклиф этди.

Гаплашиб кетиш у ёқда турсин, енма-ён юриш ҳам амрихоҳол эди. Бу маҳалда кўча одамларга тўлиб, кетарди. Каулун кўчаларида сайр қилиш учун маълум кўнка керак. Ҳаммаёқда неон чироқлари. Неон рекламалари тузишда хитойликларга етадиган бўлмаса керак деб ўйлайман.

Машиналар, рикшалар, велосипедлар кенг кўчани тўлдириб, оқиб келади. Йўлақларда одамлар чумолилар мисол ўймаланиб юришибди.

Нихоят болалар, молларини тунги савдога тайёрлаётган майда дўкандорлару машиналарга тўлиб-тошган тор кўчадаги ресторанга етиб келдик.

— Бу ерда яхшилаб овқатланамиз, — деди Лейла ва айланма эшикни итарди. Ресторандаги шовқин-сурон кулоқни том битирар эди.

Хўрандалар кўринмасди — столлар шифдан тушиб турадиган пардалар билан тўсилган эди. Хўжайин пардаларни очиб, Лейлага кулиб қўйди.

— Овқатларни мен буюраман, — деди қиз курсига бемалол жойлашиб ўтирар экан. — Даставвал қовурилган креветка (майда денгиз қисқичбакаси), кейин акула сүзгичидан тайёрланган шўрва, сўнгра пиширилган жўжа — бу ерда уни қотирворишади. Кейин яна кўрамиз, аммо аввалига қовурилган қисқичбакалар.

Лейла югурдакка хитойчасига алланималар дея бидирлай кетди. У кетгандан сўнг стол устидан чўзилиб, қўлимни меҳрибонлик билан силаб қўйди.

— Менга америкалик жентельменлар екади, — тан олди у. — Улар ҳаётга чанқок бўлишади. Тушакда ҳам чарчоқ нималигини билишмайди, пуллари ҳам кўп.

— Олдиндан бундай дема. Кейин ҳафсаланг пир бўлиши мумкин. Гонконгга келганингга анча бўлдики?

— Уч йил. Кантонлик қочоқман. Амакивачамнинг жонкаси бор эди. У мени Макаога элтиб қўйди, кейин бу ерга келдим.

Югурдак Хитой шаробидан келтириб, жажжитина қадахчаларга қўйди. Ичимлик илик ва анча ўткир эди. Югурдак кетгач, Лейладан сўради:

— Жо-Эн Винг Чангни танирсан, балки? У ҳам қочоқ.

Лейла ҳайрон бўлди.

— Ҳа, уни жуда яхши биламан. У билан танишмасан?

— Йўқ.

Биз жим бўлдик — югурдак олдимизга тилларанг селли қисқичбакалар солинган идиш қўяётган эди.

— Унинг исмини айтдинг-ку. Исмини қаёқдан биласан? —

сўради Лейла ёғоч чўплар билан қисқичбака олиб, сояли қайлага ботирар экан.

— У бир ҳамюртимга турмушга чиққан эди, — менинг қисқичбакам дастурхонга тушиб кетди. Иккиланганимча ёғоч чўплар билан қисиб олдим-да, аста оғзимга солдим. Таъми ажойиб эди. — Сен уни ҳеч кўрганмисан? Герман Жефферсонни?

— О, ҳа! — Лейла қисқичбакаларни шундай чакқонлик билан ютардики, лаганнынг учдан иккисини бўшатганида, мен энди учинчисини чайнаётган эдим.

— Жо-Эн Кантондан мен билан бирга қонган. Унинг омади келиб

— Жўжанинг ичи аввал турли дориворлар билан тўлдирилади, сўнгра нилуфар барглари билан ўралади, — деб тушунтирди Лейла.

— Кейин буларнинг ҳаммаси лой билан қопланиб ўтга қўйилади ва жўжа беш соат давомида ўз ёғига ўзи қовурилиб ётади. Қара, лой тошдай қотиб қолган.

Бола болга олиб, тухумни ерган эди хонада афсонавий хид таралди. Жўжа шунчалик хил-хил пишган эдики, уни тақсимчаларга солишаётганларида эт суякдан ажралиб кетди.

Лейланинг чўплари яна ишга тушди. Мен ҳам тановул қилиб кўрдим. Умримда бундай мазали таом емаган бўлсам керак.



ГОНКОНГДАН ЖўНАТИЛГАН
ТОБУТ

Жеймс Хэлл
ЧЕЙЗ

қолди, америкаликка турмушга чиқди. Лекин у ўлган.

Майда тўғралган чўчка гўшти, қисқичбака, тухум аралаш қовурилган гуруч тўла лаган кўтарган югурдак кириб келди. Лейла яна ёғоч чўпларни ишга сола кетди. Бу ишда уни қувиб етишни ўйламасам ҳам бўларди.

— У сизларнинг меҳмонхонангизда яшармиди? — сўрадим гуручларни дастурхонга тукар эканман.

“Ҳа” дегандай бошини ликиллади.

Унинг қоринни тўйдириш маҳоратига қойил қолса бўларди.

— Тўйларидан кейин у менга қўшни бўлган хонада уч ой яшади, сўнгра қаёққадир гойиб бўлди.

Акула шўрваси тўла улкан тоғора пайдо бўлди. Лейла ундан косасига қўя бошлади.

— Нега гойиб бўлди?

У елкасини қисиб қўйди.

— Жо-Эн унга керак бўлмай қолган эди.

Шўрвани қошиқларда истеъмол қилаётганимиз учун у билан мусобақалашим мумкин эди.

— Нега керак бўлмай қолди? Лейла менга ошқора нафрат тўла нигоҳ ташлади-да, кичкина очкўз оғизчалари билан шўрвани туширишда давом этди.

— Жо-Эн уни боқиши учун уйланган эди-да, — деди у. — Ўзида пул пайдо бўлгандан кейин у керак бўлмай қолди.

— Жо-Эн уни қандай қилиб боқиши мумкин эди? — деб сўрадим, жавоб қандай бўлишини билсам ҳам.

— У ҳам менга ўхшаб, эркаларнинг кўнглини хушлар эди, — деди Лейла ва менга хотиржам қараб қўйди. — Пул топиш учун бизда бошқа имконият йўқ.

Пардаларни очиб, югурдак кириб келди. У қўлидаги бўйрани тантанали суратда ерга ёйди.

Лейла у томонга ўгирилиб, жажжи кўллари билан қарсак чалиб юборди.

— Мана, жўжа ҳам келди. Бунақасини кам кўрасан.

Ёғоч ликопчада улкан туяқуш тухумига ўхшаш бир нарса кўтарган хитойлик малай бола кириб, қўлидагини бўйрага қўйди.

— Ёқдими? — сўради Лейла.

— Албатта... ёқди, — дедим жимлайиб.

Шундан сўнг овқатни паққос тушириб бўлмагунча бир оғиз ҳам сўз айтмадим. Жўжа тугагач, у кўзқорин, еш бамбук шоҳлари, тузланган занжабли ва бодом магизидан тайёрланган ширинлик буурди. Бу вақтга келиб мен овқатга қарай олмайдиган даражага етгандим. Сигарет чекар эканман, еган таомларимизнинг микдорига ҳайрон бўлиб ўтирдим. Орадан йигирма дақиқача ўтгандан кейингина Лейла чўпларни дастурхонга қўйиб, мамнуният билан чўкур нафас олди.

— Яхши, а? — савол назари билан менга қаради у.

Мен унга чўкур ҳурмат билан тикилардим. Шунчалик кўп овқат истеъмол қилиб, қоматини ажойиб ҳолда сақлаб юрган кишига таъзим бажо келтирса бўлади.

— Ажойиб.

У хурсанд бўлиб жимлайди.

— Ҳа, ажойиб. Сигарет сўрасам майлими?

Сигарет бериб, олов узатдим. Чиройли оғизчаларидан тутун пуфлар экан, мафтункор овозда:

— Меҳмонхонага боринг келмаптимиз? — деди. — Севгига бериладиган вақт бўлди. Бундай дастурхондан кейин севиш ҳузур бағишлайди.

— Ҳали эрта... олдимизда бутун тун турибди. Менга Герман Жефферсон тўғрисида гапириб бер. У тўйдан уч ой ўтгач, пул топа бошлади дейсанми? Қандай қилиб?

У ковогини уйди. Бу мавзу унга екмаетганини тушундим.

— Билмайман. Жо-Эн менга айтмаган. Бир куни унинг йиглаб ўтирганини кўриб қолдим. Мени ташлаб кетди деди. Германнинг унга эҳтиёжи қолмаган, ўзи пул топа бошлаган эди.

— Эри қандай қилиб пул топаётганини айтдики?

— Нега айтсин? Менинг нима ишим бор?

— Герман Жо-Эннинг олдида келиб турармиди?

— Онда-сонда келарди, — Лейланинг юзини қайгу ифодаси қоплади. — Эркалар янгилик истаб қолганларида келишади. Баъзан униқда тунаб қоларди.

— Эри ташлаб кетгандан кейин Жо-Эн нима билан шугулланди?

— Нима билан? — хитоб қилди Лейла. — Нима қилиши керак эди?

Илгариги ишини давом эттирди.

— Эркаларнинг кўнглини хушлармиди?

— Бўлмаса куни қандай ўтарди?

— Лекин Жефферсонда пул пайдо бўлиб қолган, Жо-Эн эса унинг хотини...

— Унга ҳеч нарса бермасди.

— Жо-Энни ташлаб кетгандан кейин Герман қаерда яшаганини билмайсани?

— Жо-Эн Репала-Бейда бир хитойлик қиморбознинг катта вилласини ижарага олган деганди. Мен у жойни кўрганман, — унинг овозида ҳавас ва гайрилик пайдо бўлди. — Жуда чиройли... Катта оқ вилла, зинапоялари тўғри денгизга, кичкинагина бандаргоҳ ва катер турадиган жойга тушади.

— Жо-Эн у ерга борармиди? Лейла бошини чайқади.

— Уни таклиф қилишмасди.

Таъзим қилиб югурдак кирди. Берган ҳисоб қозонига қараганда кечки овқатимиз қулғули даражада арзон эди. Ҳақини тўлаётганимда Лейланинг юзи бахтдан порларди.

— Мамнунмисан? — сўради у.

— Ажойиб дастурхон.

— Бўлмаса меҳмонхонага қайтиб, севи билан шугулланамиз.

Бу ҳис-туйғулар ақл-идрок овозини бўғиб ташловчи муҳит сингиб кетган Гонконг эди. Бунинг устига умримда хитойлик аёл билан ётмаганман. Ҳаяжонга келмасдан бўладими?

— О кэй, — дедим ўрнимдан турар эканман. Меҳмонхонага кетдик.

Ресторандан чиқиб, Натан-Роуд бўйлаб аста-секин юра бошладик.

— Менга кичикроқ совга харид қилишни истайсанми? — сўради, Лейла қўлтигимнинг тагидан олар ва хушомадгўйлик билан жилмаяр экан.

— Сўрасанг бўлди. Нима истайсан?

— Ҳозир кўрсатаман.

Бир оз юрганимиздан кейин ёп-ёруғ, майда дўкончаларга тўла ойнаванд бостирмага кириб қолдик. Дўкандорлар тиржайганларича ҳар бир харидорга мўлтайиб қараб туришарди.

— Сендан едгорлик бўлиб қолиши учун кичкинагина узукча олиб берсан, — деди Лейла. — Фақат қимматидан сотиб олма.

Биз заргарлик дўконига кирдик ва у яшим туси берилган узукни танлади. Арзон бўлса ҳам, узук унга жуда ёқиб қолди. Заргар қирқ Гонконг долларини сўради. Лейла у билан ўн дақиқаларча савдо қилиб, йигирма беш долларга олди.

— Мен уни хар доим тақиб юраман, — деди у жилмаганича совгани кўздан кечирар экан. — Сени умрбод эслаб қоламан. Энди юр, тезроқ меҳмонхонага борайлик.

Ҳаммаси биз солдан тушиб, мен такси ушламоқчи бўлганимда рўй берди. Шу пайтда у гойиб бўлди. Ҳатто ҳозир ҳам бу қандай юз берганига ақлим етмайди.

Олдимга такси келиб тўхтаганида енимда оврупоча қора либос кийган уч нафар барзанти хитойлик йигитлар пайдо бўлиб, мени туртиб юборишди. Улардан бири эгилганича чала инглиз тилида мендан узр сўраган бўлди, сўнг уччаласи уларни кутиб турган машинага ўтириб жўнаб қолди. Мен Лейлани ахтариб, тевақат-атрофга қарадим, аммо у гойиб бўлган эди. Худди ер ютиб юборгандай.

Ун беш дақиқаларча улкан майдонни айланиб чиқдим, аммо натижа бўлмади. Шундан сўнг хавотир ва алам туйғуси билан таксига ўтириб, меҳмонхонага келдим.

Қари ходим пештахта ортида ўтирар эди.

— Лейла келдими? — сўрадим ундан.

У оғир ковогини кўтариб, менга маъносиз қаради: “Инглизча гапирмайди” деди ва яна мудрай бошлади.

Лейланинг хонаси берк эди. Сал туртган эдим очилиб кетди. Хона ичи қоронғу бўлганлиги учун чироқ еқдим. У кичкина ва саришта эди, аммо Лейла йўқ.

Чироқни ўчирмай, эшикни очиб қолдирганимча ўз хонамга ўтдим, эшикни епмадим. Сигарет чекиб кута бошладим.

Бир соатча ўтди. Сўнг қулайроқ бўлар деб ўрнимга чўзилдим. Ярим соатлар чамаси ўтгач, иссиқ ва тўйимли овқат элтиб, ухлаб

қолибман.

Дим ҳаводан бутун баданим терга ботиб ва вужудимни қамраб олган хавотирдан чўчиб уйғониб кетдим. Деразадан тонг нурлари тушиб турарди. Қарасам соат еттидан қирқ дақиқа ўтибди. Ўрнимдан тургач, Лейланинг хонаси бўшлиғига кўзим тушди. Юрагим ҳапқириб кетди. Унга бир нима бўлган эди. Мендан қочиши мумкин эмас. Уни ўғирлаб кетишган. Нимагалигини тушунса бўлади. Кимдир Лейла кўп нарса билишдан ташқари, жуда кўп гапиряпти деб ўйлаган бўлиши мумкин.

Фикрларимни жамлашга ҳаракат қилдим. Эшикни епиб, ювиндим, соқолимни олдим. Тоза кўйлак кийдим-да, ўзимни мурдадан сал нари ҳис қилганимча дахлизга чиқдим.

Пештахта ортида хитойлик бола, афтида чолнинг набираси ўтирган экан.

— Лейла қайтиб келгани йўқми? — деб сўрадим ундан.

У ҳиринглаб қулғанича менга таъзим қилди. Бир оғиз сўз тушунмагани кўриниб турарди.

Таксига ўтириб полиция бошқармасига йўл олдим.

Омадим бор экан, етиб келганимда бош инспектор Маккарти машинасидан тушар экан. У мени полиция емакхонасига бошлаб борди. Катта оқ пиелаларда аччиқ чой келтиришди.

Мен унга ҳамма воқеани айтиб бердим.

Унинг муносабати жонимни бўғзимга келтирди. Британия полициясига биринчи марта дуч келишим. Унинг бемалол-хўжалигидан қоним қайнаб кетди.

— Унга бир нарса бўлган, — қичқириб юборишдан ўзимни зўрга тутиб турардим. — Бунга ишончим қомил. Бирдан гойиб бўлганида енимда эди, меҳмонхонага ҳам қайтгани йўқ.

Маккарти трубкасини чиқариб, тамаки тўлдирди бошлади.

— Огайни, сиз бу ерда ишлаб кўрмагансиз. Мен эса ўн беш йилдан бери мана шундай қизлар билан шугулланиб келяпман.

Бугун улар бу ерда, эртага эса... Картмони қаппайганроқ бошқа бировни топиб олган. Бунақани қизларга ўралашиш яхшилиқка олиб келмаслиги ҳаммага маълум. Чўнтагингизни қоқиштиришади-да, қочиб қолишади.

Бир ҳўплам чой ҳовримни сал босди, бўлмаса ғазабдан тишларимни гижирлатиб юборган бўлардим.

— Гап бунда эмас. Биз меҳмонхонага қайтаётган эдик, жин урсин. Кимдир у кўп гапиряпти деб ўйлаган. Уни ўлдириб кетишган.

— Нима ҳақда гапирган эди?

— Менга бир қотилликнинг сирлари керак эди, — бўғилиб гапирдим, — У баъзи нарсаларни айтиб берди.

Маккарти тентак боласининг валдирашини тинглаётган отага ўхшарди.

— Америкада содир бўлган воқеа ҳақида у сизга қандай маълумот бериши мумкин.

— У Герман Жефферсон Репала-Бейда шохона виллани ижарага олгани, уйланганидан кейин уч ой ўтгач, тўсатдан пули кўпайиб қолганлиги ва шу сабабдан хотинини ташлаб кетганлигини айтиб берди.

Полициячи инглизчасига шундай тиржайдики, бу ҳатто энг совуққон кишини ҳам тутоктириб юборган бўларди.

— Огайни, қандайдир хитойлик фоҳишанинг валдирашларини чин ҳақиқат деб тушунибсиз. Сиз мени хайрон қолдирапсиз.

— Мен унчалик содда эмасман. Сиз у мени алдагану, бир оз хавотир олиши учун уйга қайтмаган деб ўйлайсизми?

— Фоҳишаларнинг иши шунақа — уйда тунамаслик.

— Репала-Бейда яшайдиган бирорта америкаликни биласизми?

— Бир нечасини биламан.

— Агар Жефферсон у ерга кўчиб келганида билган бўлармидингиз?

— Ҳа, демак Жефферсон у ерда яшамайди.

— Бундан чиқди, у мени алдабди-да?

— Шундай деб ҳисоблаб қўя қоламиз, — жимлайди у.


— Чой учун раҳмат. Кўришгунча хайр.

— Ердам беришга доим тайерман.

(Давоми бор).

Ўт ўчирувчилар — ишончли мадагкорлар


ЁНГИНДАН САҚЛАШ ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ



«Факел» корхонаси ходимлари Адигам Камолов, Валерий Кучмин ва Шухрат Дадамұхамедовлар ўт ўчириш воситалари мажмуини йиғмоқдалар.



Ички хизмат катта лейтенанти Қодир Собиров, оддий ўт ўчирувчи Олег Зорин, бўлим командири прапоршик Хайрулла Халилов тез ҳаракат қилувчи автомобил ёнида.



Иккинчи ҳарбийлашган ёнгиндан муҳофаза қилиш отрядида ака-ука Олим ва Рустам Муминовларни жуда яхши билишади. Таъмирловчи Олим ва электрик Рустам ўт ўчириш техникасини ремонт қилишмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан юзага келган ўзгаришлар ёнгиндан сақлаш хизмати фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бу ўзгаришлар энг аввало моддий-техника базасида яққол кўринди.

Сўнгги уч йил ичида республикаимиз бўйича ёнгиндан сақлаш хизмати ходимларининг эҳти-ежи учун йиғирмата янги типдаги деполар бинолари қурилди. Мазкур деполар 90 та ўт ўчириш машиналари билан таъминланди. Булардан ташқари Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ички ишлар бошқармалари ёнгиндан сақлаш бўлимларида спорт комплекслари бунёд этилди ва фойдаланишга топширилди.

Аммо миллионлаб маблағлар сарфланганлигига қарамадан ёнгиндан сақлаш идоралари ўтган йили режалаштирилган техника ва қуролларни фақатгина 75 фоиз миқдорда олдилар холос. Мавжуд ўт ўчириш ва ёнгил машиналарнинг кўпчилиги эса яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Шу йилнинг январь ойида умумий қиймати 5 миллион сўмлик 15 та машина олишга муваффақ бўлди. Аммо ҳозирги кунда бу машиналарнинг ҳар бири 500 минг сўмга баҳоланмоқда. Бу суммани бизнинг ҳаменимиз кўтармаяпти ва шунинг учун ўзимиздаги бор транспорт воситалари ҳамда ўт ўчириш учун зарур бўлган мосламаларни қайта таъмирлаб, «умр»ини узайтиришга мажбурмиз.

Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун юқорида айтилган техникаларни ўзимизнинг республикада ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинса, айтиш мумкин бўларди. Қўшимча маблағ топиш учун эса ёнгиндан сақлаш идоралари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларни бажарувчи янги участкалар тузиш керакка ўхшайди.

Лекин ҳозир бозор баъзиларни ўз йўлидан юришга мажбур қилмоқда. Ички ишлар вазирлиги ёнгиндан сақлаш бошқармасига қарашли синовчи ўт ўчириш лабораторияси вазирликлар ва маҳкамалар билан келишиб, илмий-техникавий махсулотлар ишлаб чиқармоқда. Материалларнинг ёнувчанлиги устида изланиш ва тажрибалар олиб борилмоқда. Бундан тушаётган фойда эса бошқарма ҳисобига ўтказилмоқда, шунингдек ходимларга мукофот тарқатилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги ёнгиндан сақлаш бошқармаси қошида ташкил топган «Факел» корхонаси ўт ўчириш асбоб-ускуналари, бирлаштирувчи араматуралар, ўт ўчириш мосламаларини қайта зарядловчи воситаларни ишлаб чиқармоқда. Масалан, корхона мутахассислари «УАЗ-452» автомобил-шассисига тез ҳаракат қилувчи ўт ўчириш машинасини жиҳозладилар. Унинг

юқори тезлиги, ихчамлиги ва ўт ўчириш воситалари билан етарли тўлдирилганлиги «тилсиз ев»ни даф этишда қатор қулайликлар туғдиради.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ИИБ ЁСБ қўшимча моддий ресурслар топишининг янги йўллари кидирмоқда. Бу ердаги ҳарбийлаштирилган ёнгиндан сақлаш иккинчи бўлимида шартнома асосида ўт ўчириш техникалари таъмирланмоқда. Келгусида бундай ишларни янада ривожлантириш учун бюджетдан ташқари бўлган участка ёки ширкат, очиш мўлжалланмоқда. Бир қанча бўлимлар эса ўз ёрдамчи хўжаликларига эга.

Яна шунга таъкидлаш керакки, ўт ўчириш автоматикасига хизмат кўрсатувчи, монтаж қилувчи «Импульс» кичик корхонаси фарлият кўрсатмоқда. Олинган даромаднинг ўн фоизи ЁСБ ҳисобига келиб тушмоқда.

Бундай ишларни Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ИИБлари ёнгиндан сақлаш бўлимлари «Восток», «Оғоҳ», «ТМИС ФЛЕЙД» кичик корхоналари ҳам бажармоқдалар. Уларда буюртмачи материалдан махсус кий-им-бошлар тикиш ҳам йўлга

қўйилган. Шахсий таркибининг моддий манфаатдорлиги ҳисобга олиниб, ходимларга бўш пайтларида у ерларда ишлаш имконияти яратилган. Бу билан кадрлар кўнимсизлигига ҳам барҳам берилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласини ҳал қилиш учун тез ва силлиқ ҳаракат қилувчи молиявий тизим керак. ЁСБ молия хизмати марказлаштирилган бухгалтериядан чиқарилиш зарур. Ҳозирги шароитда эса муаммолар пайдо бўлавериши табиий. Масалан, сизга таъмирлаш ишлари учун жиҳозлар керак. Лекин ички ишлар бошқармаси молия ишлаб чиқариш бўлими ходимлари у нарсани сизга керакмас деб ҳисоблайди ва пул ҳисоби очмайди. Мана шундай ҳолларда қандай қилиб хизмат шартномалари тузиш мумкин? Ахир келадиган махсулотга ҳақ тўланиши кафолати йўқ-ку?!

Бу масала қанчалик тез ечим топса, жойлардаги бўлинмаларнинг бошлиқлари хўжалик фаолиятига янги тартиб қоидаларни қанчалик ишонч билан киритсалар, биз бозор иқтисодиётига шунчалик кам йўқотиш билан ўтамыз.

А. ШАПОВАЛОВ,
ИИБ ёнгиндан сақлаш бошқармаси бўлим бошлиғи, ички хизмат подполковниги.



Ички хизмат катта лейтенанти, қоровуллар бошлиғи Гофур Пиралиев муниципал ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими ходимларини йўл-йўриқ билан таништирмоқда.



«Импульс» корхонаси директори Михаил Костров иш устида. Саҳифадаги суратларни Ҳ. ШОДИЕВ тайёрлаган.

«ХОНА ЁНГИНДАН ОЛДИН
ВА УНДАН КЕЙИН»

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ёнгиндан сақлаш бошқармасининг илгор тажрибалари ва ўт ўчириш техника билимларини ташвиқот этувчи ўт ўчириш техникаси маркази «Хона ёнгиндан олдин ва ундан кейин» номи билан аталади.

Бу ерга тажриба алмашиш учун Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва республикаимизнинг бошқа вилоятларидан ўт ўчирувчилар келиб турадилар.

Шу йилнинг биринчи чорагидаёқ биз қувурдаги кабелда ёнгин пайдо бўлишини, бу ёнгинни аниқлаб ўртача даражадаги кўпик одқали ўчириш автоматик режимини кўрсатишга муваффақ бўлди. Ёки «Чорсу» меҳмонхонасининг хоналаридан бирида ёнгин пайдо бўлганини аниқлаб одамларни тутун қирмайдиган йўлдан олиб чиқиш борасида амалий иш олиб бордик.

Бизнинг хонадонларда ёнгин пайдо бўлиш ҳоллари ҳаммага маълум. Ўтган йили Тошкент шаҳрида 1517 уй ва хонадонга ўт кетган. 823 та ёнгин болалар айби билан содир бўлган. Кўргазма стендларида шундай суратлар борки, курган киши кўзларига ёш олади. Бу ёнгинлар оқибати ҳар томонлама ўрганиб чиқилмоқда.

Бугунги асосий вазифамиз одамларга ёнгин келтираётган офат тўғрисида ҳақиқатни айтишдир. Ёнгиндан кейинги кулфатларни яққол мисоллар билан кўрсатаёмиз. Кабель ва лак-бўёқ заводдаги, шунингдек турар-жой

биноларидаги ёнгинлардан олинган суратлар бунга мисол бўла олади.

Марказда 1978 йил 4 июнь кунини Санъат саройидаги ёнгинни ўчириш ҳақидаги ҳикоя қилувчи кўргазмалар тайёрланаяпти. Бу ноёб бинони сақлаб қолиш учун ўз хаётини хавф остида қолдирган ўт ўчирувчиларни унутганимиз йўқ. Ушунда 50 тонналик осма шифтнинг йиқилиб тушишдан сақлаб қолганларга жуда қийин бўлган эди. Ана шу қаҳрамонлардан бири — ички хизмат подполковниги Ю. Чулков. Ҳа, бу кишининг экскурсияга келганларни марказимиз бўйлаб таништириб юриши бежиз эмас, албатта.

Бизнинг ҳам ўз муаммоларимиз бор. Экскурсияга келаётганларни мунтазам ҳисобга олиб бориш ва уларнинг ижтимоий-демографик таркибини ўрганиш учун ЭХМлар, видеокамерали видеомагнитофонлар, стереофоник магнитофонлар ва телевизорлар зарур.

Ҳозир ўз ишимизда МДХдаги энг яхши ўт ўчириш техникаси марказларининг тажрибаларидан фойдаланяёмиз. Биз олий билимгоҳ талабалари ва малака ошириш курсларининг тингловчиларидан тез-тез миннатдорчиликлар эшитаяёмиз.

Демак, бекор ишлаётганимиз йўқ экан.

Р. БИБИШЕВ,
Тошкент шаҳар ИИБ ЁСБ ўт ўчириш-техникаси марказининг катта ходими.



Илгор тажрибалар ва ўт ўчириш техникаси билимларини ташвиқот қилувчи ўт ўчириш-техник маркази доимо шу соҳа ходимлари билан гавжум.

Суратда: музейнинг катта ходими истеъфодаги ички хизмат майори Р. БИБИШЕВ Шайхонтохур районидаги ўт ўчириш қисми жангчиларига экспонатни кўрсатаёпти.



Айни пайтдаги жиноятчилик оламию унга қарши кураш, оёсийшталик посбонларининг ютуқ ҳамда камчиликлари, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги энг янги маълумотлар билан мунтазам танишиб боришни хоҳлайсизми?

Эҳтимол детектив асарлардан намуналар ўқимоқчи, фан, маданият ва санъатда кўзга кўринган иқтидорли кишилар билан учрашмоқчидирсиз?

Балки корхона, ташкилот, муассасангиз имкони-ятлари-ю хизматларидан бошқаларни огоҳ этишни истарсиз?

МАРҲАМАТ,

«Постда»

«На посту»

газеталари эҳтиёжингизни қондиришда
Сизга энг яқин кўмакчи бўлади.
Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси
— 312 сўм.

Индекслари — 64615 ва 64616.

Чигаллаштириш шартми?

Яқинда ушбу газетада — «Муаммони ким ечади?» номли суҳбатни ўқиб қолгандим. Унда кўтарилган масалалар ҳақида ўз фикримни билдирмоқчи эдим.

Ҳақиқатан ҳам қаламга олинган муаммоларни ечиш вақти келди. Шахсан ўзим эса милиция капитани Р. Қайюмовнинг гапларига юз фоиз қўшиламан. Бу борада оз эмас, кўп эмас, 34 йиллик иш тажрибам бор ахир. Оператив ишдан тортиб раҳбарлик вазифаларига қайта кўриб чиқиш учун жўнатиладди. Яъни фалокат юз бергудек бўлса ҳам аввало ички ишлар ходимлари дучор бўлишади. Қонунбузарга жазо бериш масаласида эса, суднинг ўзи яқка ҳокимлик қилади.

Бир пайтлар суд нотўғри баҳоласа, партия ташкилотиде муҳокама қилиниб, керакли идораларга қайта кўриб чиқиш учун жўнатиладди. Ахир суд, прокуратура ва милиция бир партия ташкилотига бириктириб қўйиларди-да. Ҳозир эса бунақа тузилма йўқ. Ўлиб-тирилиб тутиб келинган жиноятчини суд оқлаб юберса, милиция додини худога ҳам айтолмай қолаверади.

Иккинчи масала: 1953 йилгача Давлат хафсизлиги қўмитаси, ва ҳуқуқни ҳимояловчи бошқа идоралар битта вазирликка бўйсундирилганди. Яъни жиноятчиликка қарши кураш ҳамкорликда олиб борилар, натижа эса чакки эмас эди. Ҳозирда вазият мақтангулик эмаслиги ҳаммага маълум. Бундан

чиқариладиган хулоса шуки, қонунчилик қанча кучайтирилса, қонунбузарлик шунча камаяди.

Қолаверса, ички ишлар идоралари ходимларига кўпроқ имтиёзлар берилмоғи даркор. Масалан, яқинда айрим соҳа ходимларига ўзлари яшаб турган хонадонларни хусусийлаштириш имкони берилди. Нега энди шундай имтиёз милиционерларга нисбатан қўлланилмаслиги керак экан? Агар уларга ҳам шундай имконият берилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Мен район ички ишлар бўлими уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси бўлганим учун ҳам ёш милиционерлар билан тез-тез учрашиб тураман. Ҳақиқатан улар жиноятчилар тегишли жазо олишмаётганидан норози. Кўпинча терговчиларимиз бир ишни яқунлаб судга юборишади. Судьялар эса уни судраб юришаверади ёки у райондан бунисига ошириб, роса коптоқ қилишади. Натижада ишнинг муддати тугаб, жиноятчи жазосиз қолиб кетаверади. Бундай ҳол айниқса автоҳалокат ёки шунга ўхшаш ишларни кўриш чоғида тез-тез учраб туради. Умуман суд-тиббиёт кўриги аралашган кўпгина ишлар шу аҳволга тушади.

Эски қонунларга кўра ўлим сабаби номаълум бўлган ҳоллардагина мурда суд-тиббиёт кўригидан ўтказиларди. Ҳозирги пайтда эса куппа-қундузи, кўпчилиқнинг кўз ўнгига бир кишини машина босиб кетса ҳам экспертиза қилдириш керак. Мен бу ерда мантиқ кўрмайман. Ойдин нарсани чигаллаштириб, ишни орқага тортишнинг нима кераги бор?

Эшмўмин НУКАРОВ,
Жарқўрғон райони.
(Муаллиф қалам ҳақини газета ҳисобига ўтказишимизни илтимос қилган).

ТАЛАБГОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Фаргона вилояти ички ишлар идоралари ходимлари орасида «Постда» — «На посту» газета-ларининг ҳақиқий мухлислари жуда кўпчилик. 1993 йил учун обуна маъсумининг уюшқоқлик билан ўтказилаётгани шундан далолат.

— Оёсийшталикни муҳофаза қилишдаги фаолиятни янада юқори поғонага кўтаришда мазкур газетанинг ҳиссаси салмоқли, — дейди Қува райони ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Одиложон Аҳмедов телефон орқали. — Шунинг учун шахсий таркибимизга уюшган 82 нафар ходимларимиз обуна варақасини тўлғаишди. Бу юз фоиз дегани.

Бундан ташқари оддий фуқаролар ҳам мазкур газетага езилиш истагини билдиришяпти. Ҳозиргача улардан юз киши обуна бўлишга улгурди.

Мухаммадрасул
КИМСАНБОВ,
милиция майори.

МЕНИНГ ФИКРИМ

БОШҚОТИРМА

1. Саҳна асари ёки санъат тури.
2. Оқил, ишбилармон йўлбошчи.
3. Қардош Тожикистондаги нашриёт номи.
4. Созанда.
5. 1864-1924 йилларда яшаб, ижод этган ўзбек маърифатпарвар шоири, таржимон, педагог Сиддиқий...

Жавобларни тўғри топган бўлсангиз, тартиб рақамлари бўйича берилган катакларга жойлаб чиқинг. Унда сиз чап томондаги айланаларда яширинган роман номи, ўнг томондаги айланаларда шу роман муаллифининг тахаллусини билиб olasiz.

Тузувчи Анвар МИРЗАЕВ,


Тошкент.

19 АВГУСТДА БЕРИЛГАН
БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

БҮЙИГА: 1. Британия 2. Бенгалия 3. Америка 6. Арекипа 12. Корея 13. Варна 14. Онега 17. Гвалиор 18. Боливия 24. Батут 25. Томск 26. Сиваш 28. Снежное 29. Зимбабве 30. Брадфорд 31. Адвокат.

ЭНИГА: 7. Амфибия 8. Андорро 10. Габон 11. Дибай 15. Виктория 16. Виннипег 20. Авиньон 22. Лилль 23. Симла 27. Коломия 32. Манжурия 33. Ирландия 35. Абвар 36. Линде 39. Колумбо 40. Боливар

АЙЛАНА БҮЙЛАБ: 4. Выборг 5. Монако 9. Нормандия 19. Сективкар 21. Югославия 34. Ажибой 37. Жоржия 38. Иерусалим.



АГАР ТУМШУҒИНГИЗГА ТУШИРИБ ҚОЛИШСА...

Баъзи прокуратуралар ички ишлар идоралари ходимларига қаршилик кўрсатган безорилар устидан жиноий иш кўзгатишни рад этмоқда.

Қизиқ, агар э йўқ, бе йўқ бўралатиб сўксалар, тан жароҳати етказсалар, ёки кийимингизни тилка-пора қилиб юборсалар, нима деган бўлардингиз, азиз муштарий?

Қандай жавоб беришингиз маълум.

Бунинг кулгили жойи йўқлигини таъкидлаб ўтмоқчиман, зеро иккита прокуратура ходимлари Самарқандда милиционерларга қарши қонунга хилоф ҳатти-ҳаракат қилган безориларни индамай қўйиб юборишган.

...Самарқанд шаҳар ИИБ тергов бўлимида ўғрилиқда гумон қилинаётган Л., Ш., Д. ва Р.ларниқиде тафтиш ўтказиш юзасидан қарор қилинган бўлиб, унга Темир йўл район прокуратураси рухсат берган эди. Ушбу тадбирда шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлими ходимлари билан бирга участка вакили ҳамда гувоҳлар иштирок этдилар.

Фуқаро Р. тафтиш ўтказишга ҳар томонлама тўсқинлик қилди, ўзини тутта билмай, қўпол муомаласида бўлди, сўкинди. Лекин ҳар нарсасида кўникиб қолган милиция ходимлари аёлнинг бу қилиқларига парво қилмай, тафтишнинг давом эттиравердилар. Шунда Р. милиция ходимларидан бирига ташланиб, эгнидаги формасини йиртиб юборди. Жазаваси тутган аёлни чақиртирилган қўшимча милиция наряди тинчлантирди.

Бу воқеа юзасидан тегишли баённома тузилди, тадбир қатнашчилари тушунтириш бердилар. Шаҳар ички ишлар бошқармаси хизмат текшируви ўтказди. Р.нинг ўзи безориларча ҳаракат қилганини инкор этмади.

Муштарийларда ҳам воқеа юзасидан шубҳа тугилмаслиги керак. Темир йўл район прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал мажмуаси 5-моддасининг 2-бандига кўра жиноий иш кўзгатишни рад этди. Бу модда жиноят таркиби йўқлигини билдиради. Ана шунанга ишлар ҳам бўлиб турар экан.

Шу вилоятдаги Боғишамол район халқ судининг қарорига кўра қонунга қарши эгаллаган турар-жойидан чиқариб юбормоқчи бўлганларида, фуқаро К. аёл киши эсада, ҳокимият вакилларининг қонуний талабларига бўйсунмади ва милиция майори А. га тан жароҳати етказди, суд ижросини Ш.ни эса бўғиб қўйишга оз қолди.

Бу факт ҳам милиция ходимлари ва гувоҳларнинг етарлиқ кўрсатмалари билан тасдиқланган эди. К.нинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларини шу воқеа устиде бўлган Боғишамол район ҳокимининг ерданчиси ҳам тасдиқлайди.

Лекин Боғишамол район прокуратураси ҳам биринчи ҳолдагидай, бу воқеа юзасидан жиноий иш кўзгатишни рад этди.

Нима ҳам дердик, бу прокуратуранинг иши.

Лекин безориларга нисбатан юмшоқроқ бўлса-да, жазо чораси қўлланилиши керак деб ўйлайман. Масалан, милиция ходимларини ҳақорат қилганлик учун 187-модданинг 1-қисми бўйича жарима солиш ёки милиция ходимларига хизмат вазифаларини ўтаётганда қаршилик кўрсатганлик учун 15 кун-лик муддатга озодликдан маҳрум этиш каби маъмурий жазо қўллаш мумкин эди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳолатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қонундаги қўллаб-қувватлаш билан ҳам жавобгарликка тортса бўларди.

Афсус...

В. ЛАДИГИН,
милиция майори.

ЭЪЛОН

1984 йилда Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институти томонидан Соатов Шухрат Ҳамидуллаевич номига берилган ИВ-1 № 312714 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли;

Тошкент қишлоқ хўжалиги ирригацияси ва механизацияси институти томонидан Загидуллин Марат Рашипович номига берилган АВ №932962 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли;

Чимкент автомеханика техникуми томонидан Юлдошев Мухаммадджон номига берилган ВТ №193865 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, ҳайъати ва шахсий таркиби Жиззах вилояти ҳокимлиги ички ишлар бошқармаси бошлиғи Қайим Орипович Имомовга акаси

ҲОЖИ ИМОМОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
■ Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияси
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмахонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир —
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.